O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2002 YIL 12 MART ◆ SESHANBA ◆ №30 (26.889)

ПРЕЗИДЕНТ АҚШГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 март куни расмий ташриф билан Америка Қўшма Штатларига жўнаб кетди.

АҚШ Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган давлатлардан биридир. Ўтган вақт мобайнида икки мамлакат ўртасида кўплаб ташрифлар амалга оширилди, талай ҳужжатлар имзоланиб, ҳамкорлигимизнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Ҳозир давлатларимиз ўртасида турли соҳаларда тенг манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Президентимиз сафар олдидан журналистларга берган интервьюсида мазкур ташриф Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини янги босқичга кўтаражагини таъкидлади.

— Ташриф асосида олтита ҳужжат имзоланиши кутилмоқда, — деди Ислом Каримов. — Булар орасида энг асосийси, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида имзоланадиган янги ҳужжатдир. У барча соҳалардаги алоқаларимизни ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан янада самаралироқ фойдаланишга кенг йўл очади. Айниқса, Ўзбекистон чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, юртимиз хавфсизлигини кафолатлаш нуқтаи назаридан бу ҳужжат жуда муҳимдир.

Умуман, АҚШга бу галги сафаримиз Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бозор иқтисодиётига асосланган эркин, демократик ва фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, қисқача айтганда, мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига чиқариш каби эзгу мақсадларга тезроқ эришишимизга катта ёрдам беради.

АҚШ Президенти Жорж Бушнинг таклифига биноан амалга оширилаётган ушбу тўрт кунлик ташриф чоғида мамлакатимиз Президенти Оқ уй раҳбари билан музокаралар ўтказади, парламент аъзолари, ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашади.

■ (ЎзА)

ПРЕЗИДЕНТ ЛОНДОНДА ТЎХТАБ ЎТДИ

Лондон. 11 март.
ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Шу куни Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Буюк Британия пойтахти Лондоннинг «Стэнстед» аэропортига тўхтаб ўтди. Давлатимиз раҳбарини мазкур мамлакат ташқи сиёсат маҳкамаси вакиллари кутиб олди.

Қисқа муддатли музокаларда Ўзбекистон-Буюк Британия муносабатларини янада ривожлантириш, турли жабҳаларда йўлга қўйилган ҳамкорлик истиқболи билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Буюк Британия расмийлари билан учрашувдан сўнг, Ўзбекистон делегацияси яна АҚШга йўл олди.

■ (ЎзА)

ЎН ЙИЛЛИК САНАГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 10 йиллигига бағишлаб кунчиқар мамлакатнинг Шизуока шаҳри марказида жойлашган «Galley Watanabe Camera» галереясида фотокўргазма бўлиб ўтди.

Кўргазма муаллифлари Хидэо Сибата ва Ютака Ватанабе ўтган йил «Юдзуру» операси гуруҳи аъзоларининг Ўзбекистонга қилган ижодий сафари чоғида уларга ҳамроҳлик қилиб, юртимиз ҳаётига оид бой фотоматериаллар тўплаган эдилар.

Ўзбекистоннинг Токиодаги элчихонаси томонидан «Galley Watanabe Camera» галереяси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазма Шизуока префектураси жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди. Кўпминг тиражли «Тюнити», «Шизуока» ва бошқа оммабоп япон газеталарида мазкур кўргазма ҳақида қатор мақола ва хабарлар чоп этилди.

Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Республикасининг Японядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси М. Очилов кўргазма иштирокчиларини қутлар экан, серқуёш диёримизнинг бетакрор манзаралари тасвирланган фотокўргазма, шубҳасиз, японияликларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқишининг ортишига хизмат қилишини таъкидлади ва муаллифларга самимий миннатдорчилик изҳор этди.

Қарийб икки ҳафта давом этган кўргазмада «Юдзуру» операсининг саҳна кўринишларидан ташқари Япония ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликка бағишланган лавҳалар, диёримизнинг тарихий шаҳарлари ва миллий қадриятларимиз, ватандошларимизнинг кундалик ҳаёти акс эттирилган суратлар намойиш қилиндики, улар япон жамоатчилигининг Ватанимиз ҳақидаги таассуротларини янада бойитди.

■ **Беруний ОЛИМОВ,**
«Жаҳон» АА мухбири
Токио.

БАҲОР ВА ЁЗГА ТАЙЁРГАРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлисида вазирлик ва фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш, Давлат тизими ҳудудий қидирув-қутқарув тузилмаларининг 2002 йил баҳорги-ёзги мавсумга тайёргарлик ҳолати, фавқулодда табиий ва техноген вазиятларнинг олдини олиш ҳамда саноатда техника хавфсизлиги аҳволи масалалари кўриб чиқилди.

Баҳор ва ёз фаслларида табиий офатлар хавфини камайтириш, улар оқибатларини бартараф этиш бўйича тайёргарликнинг аҳволи таҳлил қилинди. Қидирув-қутқарув тузилмалари учун махсус техника, кийим ва асбоблар етишмаслиги ҳақида танқидий фикрлар билдирилди.

Шунингдек, фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг тайёргарлигини ошириш, таъминот масаласи, «Бошгидромет» Давлат геология қўмитаси билан биргаликда сел келиши, ер кўчкиси юз бериши мумкин бўлган ҳудудларни текшириш, қўшни давлатлар чегараларининг тоғли ҳудудларидаги ёриб чиқиш хавфи бор кўлларнинг аҳволини ўрганиш, саноатда техника хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда вазиятларда ўзаро ахборот алмашиш ва ҳаракат қилиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди ва ижро этиш учун жойларга юборилди.

Ҳайъат мажлисида кўрилган масалалар юзасидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат геология қўмитаси, «Бошгидромет», «Саноатконтехназорат» агентлиги мутахассислари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри фавқулодда вазиятлар бошқармалари ва таркибий тузилмалар раҳбарлари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

■ **Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги матбуот маркази**

ХИРОСИМАДАН КЕЛГАН СОВРИН

Гулистон тумани марказидаги Бадиий санъат лицейида ҳозир 100 га яқин умидли мўйқалам соҳиби таълим олмоқда. Тошкент бадиий академиясига қарашли бу санъат маскани ўқувчилари Қодир Мираширов ҳамда Тоҳир Раҳмонбердиевлар номига олис Японияниг Хиросима шаҳридан махсус соврин келди. Бу совринлар Хиросимада тинчлик мавзуига бағишлаб ўтказилган халқаро болалар расмлари кўргазмасининг эътирофи белгиси эди. Шундай қилиб, гулистонлик ёш рассомлар жаҳондаги 6 минг нафар тенгқурларининг ижодий ишлари орасида катта эътибор топиб, мазкур кўргазма совриндори бўлдилар.

■ **Абдужалил УМАРОВ**

ДИҚҚАТ, КЎРГАЗМА!

«ЎзБИЛД — 2002»

Анъанавий равишда ўтказиб келинаётган «Қурилиш ва пардозлаш, иситиш ҳамда вентиляция» халқаро кўргазмасининг аҳамияти катта. Бундай кўргазма Ўзбекистонда икки марта ўтказилган.

Бугун эса 3-халқаро кўргазма очилади. У Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасининг «Биллур» залида бўлади. Кўргазма ташкилотчилари — Буюк Британиянинг ITE Group PLC ва унинг юртимиздаги ҳамкори Itesa-Osiyo компаниясидир. Бу мамлакатимиздаги қурилиш индустриясига бағишланган ягона халқаро кўргазмадир.

«ЎзБилд-2002» деб номланган ушбу кўргазмани республика Архитектура ва қурилиш Давлат қўмитаси ҳамда «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси расмий равишда қўллаб-қувватламоқда.

«Қурилиш ва бинокорлик материаллари», «Пардозлаш буюмлари», «Сантехника», «Сополсозлик», «Вентиляция ва совутиш тизимлари», «Иситиш тизимлари», «Электротехника ва ёритиш» деб аталган бўлимларда жаҳоннинг 12 мамлакатидан келган 30 дан зиёд хориж компаниялари иштирок этаётир. Қатнашчилар сони ўтган йилга нисбатан 3 баробар кўп. Томошабинлар эса 10 мингдан зиёд кўргазма ўзбекистонлик саноатчилар маҳсулотлари жаҳон бозорига чиқишини таъминлашга ҳамда ички бозорда импорт ўрнини босувчи материаллар янада кўпайишига хизмат қилади.

Кўргазма 14 мартгача давом этади.

■ **Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 12 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	361,37	1 Норвегия кронаси	78,80
1 Англия фунт стерлинги	986,52	1 Польша злотийси	167,09
1 Дания кронаси	81,69	1 Сингапур доллари	380,73
1 БАА дирхами	188,96	1 СДР	871,21
1 АҚШ доллари	694,00	1000 Туркия лираси	0,51
1 Миср фунти	151,20	1 Швеция кронаси	66,94
1 Исландия кронаси	6,92	1 Швейцария франки	412,09
1 Канада доллари	437,50	1 ЕВРО	606,90
1 Хитой юани	83,85	10 Жанубий Корея вони	5,32
1 Кувайт динори	2259,34	10 Япония иенаси	53,86
100 Ливан фунти	45,85	1 Россия рубли	22,39
1 Малайзия рингити	182,66	1 Украина гривнаси	130,38

) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак.

Ислом КАРИМОВ

ИНСОН КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

«Жамият ва бошқарув» журналининг 2001 йил 3-сонида эълон қилинган «Бунёдкор куч манбаси» мақоласини ўқиб туриб, инсоннинг жисмоний, интеллектуал ривожланиш имкониятлари беқиёс эканлигига яна бир бор амин бўлдим. Бу ҳақда тарихда ва ҳозирги замон фанида жуда кўплаб манбалар бор. Айни масалада ҳозирги кунда мустақиллигимиз шарофати билан халқимизнинг жисмоний, интеллектуал ва маънавий камолоти йўлида мамлакатимизда жуда улкан ишлар амалга оширилаётганлиги ва режалаштирилаётганлиги бу йўналишнинг ўта муҳимлигидан далолат беради.

Инсон бош мия қобиғида ўн тўрт миллиардан ошиқ нейронлар жойлашган. Уларнинг вазифаси инсон фаолиятини ҳар томонлама, тўла бошқаришдан иборат. Инсоннинг қилаётган ҳар бир ҳаракати унинг қандай ҳолатлигидан қатъи назар нейронлар фаолиятининг маҳсулидир. Бу жаҳон тиббиётида чуқур ўрганилган ва тўла тан олинган ҳақиқатдир. Шунинг учун ҳам айтиш мумкинки, инсоннинг ўзлигини намоён қилиш имкониятлари – ресурслари жуда ҳам беқиёсдир. Лекин инсон шу мавжуд имкониятлардан, яъни ресурслардан бор-йўғи 4-4,5 фоизидангина фойдаланади. Шундан тўла 4 фоиз маълумотини кишилар 8-11 ёшигача оладилар ва умрининг охирига қадар қолган 0,5 фоизинигина қабул қилиш имкониятига эга.

Табиатан иқтидорли кишилар ўша қолган 0,5 фоизни 11 ёшдан кейинги умр йўлига тўғри тақсимлай олиш имкониятига эга бўлган ҳисобланади. Инсонлар бундан ортиқ, имкон қадар мазкур нейронлар фаолиятидан кўпроқ ва тўлароқ фойдалана оладими? Бу муаммо қадимдан ва айниқса, бугунги фан ва техника, турмуш тарзининг кўп жиҳатларини компьютерлаштириш ўта ривожланган бир пайтда бутун инсониятнинг қизиқишини жудаям ортирган масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Хўш, бу қизиқиш ва бунга муносабат бугунги Ўзбекистониши табиий ҳолдир.

Шу ўринда ресурс деганда қандай ресурс ва нима назарда тутилаётганлигини аниқлаштириб олсак. Бу интеллектуал ва жисмоний чиниқиш ресурсларидир.

Аввало, ресурс, интеллект ва жисмоний чиниқиш тушунчаларининг этимологияси ҳамда луғавий маъносига эътиборимизни қаратайлик. **Ресурс** французча ressouces — зарурат туғилганда фойдаланиш мумкин бўлган бойлик, имконият, инсон турмуш шароитини янада яхшилаш учун нарсаларнинг мавжуд заҳираси маъносини англатади. Ресурслар шу пайтгача иқтисодий ва табиий фарқларга бўлиб келинган.

Интеллект лотинча Intellectus — ақл, идрок, зеҳн маъносини билдиради. У кенг маънода кишининг бутун билиш фаолиятини, тор маънода тафаккур, фикр юритиш жараёнини назарда тутади. Шунингдек, интеллект кишилардаги ақл, идрок, заковат, маънавий жиҳатдан етуклик даражасини ҳам изоҳлайди.

Доноларнинг айтишича, **одам миясидаги интеллектуал куч атом ядросидаги беқиёс кучга тенг**. Гап уни қандай ривожлантириш ва қай даражада ишлата билишдадир.

Кишиларнинг жисмоний ҳаракати билан боғлиқ бўлган жуда кўп фаолияти мавжуд. Масалан, жисмоний меҳнат, балоғат, тарбия, куч, чиниқиш, ресурс, имконият, қобилият ва ҳоказолар.

Жисмоний чиниққанлик ресурси — инсон соғлиғини мустаҳкамлаш ва чиниқтиришга қаратилган имконият бўлиб ҳисобланади. Бу имконият барча кишиларга етарли берилиши мумкин, лекин ҳамма ҳам бир хил амал қилавермайди. Бошқача қилиб айтганда ва тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, бешиқдаги ҳар бир гўдак — бир даҳо ёки бўлғуси даҳо бўлиши мумкин. Бироқ ҳамма гап ушбу «даҳо»ларни даҳолар даражасига етказиб тарбиялашдадир.

(Давоми 2-бетда)

ИСТИҚБОЛИМИЗ ТИМСОЛЛАРИ

ЮРТИМИЗГА ФОЙДАМ ТЕГСА

Фазлиддин ҳозир ўқишни Англияда магистратурада давом эттираётир . У билан телефон орқали боғландик.

— Алло, Лондонми? Фазлиддин, сизга Тошкентдан салом. Тошкентда баҳор нафаси, сизларда-чи?

— Бу ерда кўпинча туман, ҳозир ҳам ёмғир томчилаб турибди.

— Тошкентни соғингандирсан-а?

— Кундузлари билинмайдику, тунлари юрт соғинчи қўймайди. Айниқса, пойтахтимиз кўчалари, дўстларим кўз олдимдан ўтаверади...Хорижда билим олаётганимдан фахрланаман,албатта. Аммо бунинг масъулияти ҳам катта. Келажакда юртимизга озгина бўлса-да фойдам тегса дейман.

— Ўқишлар қалай, мусиқа оламида нима гап?

— Ўқишларим ҳам, ишларим ҳам жойида. Яратилган шароит ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Кўп дўстлар орттирдим. Уларни қадимий шаҳарларимиз,халқимиз маънавияти кўпроқ қизиқтиради. Ҳозир устозим Шредер Михаил Александрович раҳбарлигида Моцарт, Шуберт, Бетховен асарлари устида ишламоқдаман. Устозим мусиқашунос доктор. Яқинда марказий концерт залида ўтказилган хайрия кечасида чиқишлар қилиш режамиз бор.

Фазлиддиннинг сиҳатлиги-ю саломини унинг отаси Сайфиддин акага етказганимизда, чеҳрасида фахр-ифтихор намоён эди.

— Ўғлим ҳозир 24 ёшда, — дейди у. — Оиламизда 6 фарзанд. Ўғил-қизларимизнинг бари озми-кўпми мусиқага кўнгил қўйган. Боиси, уйимизда ҳамиша дутор, танбур, доира, пианино бўлган.

— дейди Англияда илм олаётган иқтидорли мусиқачи Фазлиддин Ҳусанов

«Ҳурматли Президент!

Мустақилликни мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамнафас бўлиш ва барқарор ривожланиш йўлида собит турган Ўзбекистонда ажойиб истеъдодлар камол топаётгани мени мамнун этди. Мусиқачи сифатида зангиоталик оддий ўқитувчининг фарзанди Фазлиддиннинг иқтидори таҳсинга лойиқ дегим келади. Солт-Лейк-Сити шаҳрида ўтказилган халқаро мусиқачилар танловида унинг маҳорати юксак баҳоланди. Юрт ифтихори саналувчи бундай ўғлонларнинг сафи янада кўпайишига тилакдошман.

Эҳтиром билан Райнҳард Бекер,
Давлат мусиқа олийгоҳи доценти,
Троссинген шаҳри. Англия».

Болаларим орасида Фазлиддин айниқса, бошқача эди. У Успенский номли ихтисослаштирилган мусиқа интернат мактабида ўқиб юрган дамларидаёқ назарга тушди. Катта-кичик концертлар ва халқаро танловларда олқиш олиб турди. Унинг фортепьяно ижросидаги чиқишларидан бири Олмония мусиқашунос олимларининг диққатини тортди. Ўшанда Фазлиддин жаҳон бастакорларининг мумтоз асарларидан бирини ижро этганди. Шу бўлди-ю, уни хорижга ўқишга таклиф қилишди. Олмониянинг Троссинген шаҳрида таҳсил олиб юрганида, АҚШнинг Солт-Лейк-Сити шаҳрида ўтказилган халқаро танловда қатнашди. Шопеннинг «Тўртли Скерцо»сини баланд пардаларда ижро этиб, совринли иккинчи ўринни эгаллади. Танлов ҳайъати президенти Паул Поллайн тавсияси билан унга Овруўпа давлатларида концертлар билан чиқишга рухсат этилди. Фазлиддин Австрия, Франция, Чехия, Словакия, Португалия, Жанубий Корея саҳналарида ўзини кўрсатди. Ўғлим билан фахрланаман. Бу ҳам истиқлол неъмати. Мустақиллик бўлмаганида бизнинг қора кўзларга ўз иқтидорини жаҳон айвонида намойиш этишга йўл бўлсин эди.

— Фазлиддин билан гаплашганингиз хўп яхши бўлибди-да, — дейди онаси Насиба опа. — 32 йилдирки, мактабда инглиз тилидан дарс бераман. Бу даврда қанчадан-қанча ёшлар катта ҳаётга йўл олишди. Ўғлим ҳам шулар қаторида эди. Лекин у нафақат инглизча, ҳатто немис, француз, араб тилларини ҳам ўрганиб олди. Ишқилиб ҳамманинг ҳам боласидан буюрсин экан. Мамлакатда ўғлимга ўхшаш юрт ифтихорлари кўпайсин, дегим келади...

Фазлиддин ижросидаги бирорта куйни тинглаганмисиз?.. Тингласангиз дилингиз баҳорий насмга тўлади. Орзулар қанотида парвоз қиласиз.Қалбингизда эзгу ниятлар чарх уради... Боғу гулзорлар шивири, чашмаларнинг шилдираши қулоққа чалингандай бўлади.

Мусиқа тилсимотини пухта эгаллаётган бу ўзбек фарзанди, дунёни ўзига ром этмоқда. Бултур Лондонда ўтказилган халқаро мусиқа фестивалида ғолиб бўлди. Ҳозир унинг ижросидаги 10 та ёзувли компакт диск хонадонларда жарангламоқда. Биз Фазлиддиндек ҳамюртимиз борлигидан фахрланамиз. Илоҳим бундай истеъдодларимизга кўз тегмасин, омад уларга ёр бўлсин.

■ **Мирзо АНВАР**

ЯНГИ АСР ЁШЛАРИ

ЗУЛФИЯХОНИМНИНГ ЗЕБО ҚИЗЛАРИ

Баҳор уйғониш, гўзаллик фаслидир. Табиат бутун оламга зеб беради. Далаларда жонланиш бошланади, олам уйғонади. Новдалари оппоқ гулларга бурканган ўриклар, минг бир навони қуйлаётган муғанний қушлар, қалб қирғоқларига урилиб оқаётган дарёлар, ўркачларида жажжи майсалар уйғонган пурвиқор тоғлар юракни ларзага солади. Қувонч тошиб, барчанинг юзларида қулги, шодлик балқийди. Мана шу ҳаяжонга баҳорнинг муқаддимасида 14 нафар лобар қизларимизнинг бахтиёрликлари келиб қўшилади. Булар Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлганлар. 14 умид, 14 орзу, 14 ёруғлик, 14 бахт, 14 қалдирғоч. Улар қанот қоқадиган кенглик адабиёт осмонидир. Улар юлдуз каби нур таратадиган Ватан Ўзбекистондир. Улар интилаётгани илм, маърифат буюк келажакдир. Улар мўйқаламлари билан чизаётган суратлар тинчлик рамзи оппоқ кабутарлардир. Улар баланд овозда куйлаётган қушиқ озод юрт овозидир. Уларни ёруғ манзиллар томон бошлаётган инсон, маърифатга қуёш муҳтарам Юртбошимиздир.

Муқаддасхон УЛУҒХЎЖАЕВА — Наманган вилояти Косонсой тумани «Истиқлол» номли 42-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси:

— Мен таълим йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдим. «Қадимги Косон тарихи ва Муғ қалъаси»даги археологик қазишмаларда икки йилдан буён иштирок этаман. Ва шу номдаги асарим ҳам эълон қилинди. 1999, 2000 йилларда республика «Иқтидорли болалар» слёти «Нафосат» кўригида иштирок этдим. Мактабимизда тарих ва ўлкашунослик тўгараги бор. Унинг раҳбари Г.Отамирзаева, К. Мавлоновалар менинг барча изланишларимга рахбарлик қилганлар. Орзуим келажакда тарихчи олима бўлиш ва Ўзбекистоннинг қадимий, бой тарихини бутун дунёга кўрсатишдир.

Мамлакат УЛАШОВА — Самарқанд вилояти, Маданият коллежи I курс талабаси:

— Ўзбек маданияти, санъати қадимийдир. Мен санъатнинг энг мураккаб жанри ҳисобланган мақомда ижод қиламан. «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловида иштирок этганман. Ўзбекистон халқ артистлари Комуна Исмоилова, Гулшод Отабоевалар менинг ижодимни кузатиб боришади.

Ўз маслаҳатлари билан ёрдам беришади. Кичик мақомлардан катта мақомларга ўтиш йўлида изланаяпман. Шундай юксак мукофотга сазовор бўлганлигимдан фахрланаман. XX аср ўзбек ижодкор аёлининг тимсолига айланган Зулфияхонимга ўхшаш эл ардоғида бўлиш бизга ҳам насиб этсин.

Дилором БЕРДИЕВА — 1-ТошДТИ VII курс талабаси:

— Мен фан йўналиши бўйича ушбу юксак мукофотга сазовор бўлдим. Патофизиология ва патанатомия фанлари бўйича республика олимпиадасида фахрли 1-ўринни олганман. Менинг бир қатор илмий изланишларим ҳозир амалиётга татбиқ қилинган. 1997 йилда «Металоорганик бирикмаларнинг янги биологик синтез йўли», 1998 йилда «Меллори — Вейсе синдромининг сабаблари, кечиши, клиник кўринишлари, таҳлил қилинган беморлар ва уларнинг даволаш усуллари», «Оғуни инъекцион қабул қилаётган гиёҳвандлар орасида ВИЧ инфекциясининг олдини олиш ва самарали чора-тадбирлари» номли услубий қўлланма ва илмий ишларим чоп этилган. Бадиий ижод билан шуғулланаман «Дил изҳори», «Оқ орзулар тонги», «Учрашса такрор» номли шеърий тўпламларим нашр этилган. Орзуим шифокор бўлиб халқимизга хизмат қилиш.

Нафосат ЎСАРОВА — Фарғона давлат университети табиёт факультети III курс талабаси:

—Кимё фанининг баъзи қирралари билан қизиқаман. Бу йўналишда «Фуран қатори маномерлар ва полимерларнинг хоссаларини ўрганиш» мавзусида илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқдаман. 2001 йилда Бухорода ўтказилган республика олимпиадасининг ғолиби бўлдим. Ҳозирда энг долзарб мавзу ҳисобланган «Қишлоқ хўжалигида кимёвий воситаларнинг қўлланилиши ва атроф-муҳитнинг муҳофазаси» ҳақида кузатишларим эълон қилинган. Келажакда бу юксак мукофотни оқлаш йўлида бор куч-ғайратимни сарф қиламан.

Мўътабар Рўзметова — Хоразм вилояти Хазорасп тумани касб-ҳунар коллежи I курс талабаси:

— Мумтоз адабиётимизни севиб мутолаа қиламан. Ғазалларда, рубоийларда акс этган образларни, маъноларни суратларда акс эттираман. Ҳозирги кунда «Саббаъи Сайёр» достони асосида суратлар чизмоқдаман. «Тўрт фасл» асарим жамоатчилик ўртасида юқори баҳоланди. Бундан ташқари, «Буюк Хоразмийлар», «Минг отлилар» номли суратлар чизганман. Расмчиликда миниатюра усулида сурат чизаётган мусаввирлар камайиб кетмоқда. Мен бобомиз Камолиддин Беҳзод ишлаган нафис миниатюраларга ҳавас ва ҳайрат билан тикиламан. У кишига ўхшагим келади. Бу мукофот бутун ўзбек қизларини изланишга, ижод қилишга ундайди.

Нилуфар ДАДАХЎЖАЕВА — Андижон шаҳридаги бизнес мактабнинг молия менежменти бўлими III курс талабаси:

— Бухорода зардўзлик мактаби бор. Орзуим Андижонда ҳам шундай мактабни ташкил этиш. Мен ёшларга янги иш ўринлари очиш устида иш олиб бораяпман. Шу кунгача 50 яқин шогирдлар тайёрладим. Вилоят, республика миқёсидаги танловларда иштирок этиб фахрли ўринларни эгаллаганман. Мустақил Ватанимиз байроғини, гербини тилло ипакларда тикиб, истиқлолимизнинг ўн йиллигига ўзига хос совға тайёрлагандим. Камтарона меҳнатим шундай юксак мукофотга сазовор бўлганлигидан фахрланаман. Бу мукофот бизга янги ғайрат, илҳом бахш этди.

Шаҳноза РАҲМОНОВА — Қашқадарё вилояти Муборак тумани 4-мактабнинг 9-синф ўқувчиси:

— Мен ўзим яшаётган Муборак туманининг экологиясини ўрганиш йўлида иш олиб бораяпман. «Она заминни асра, инсон» номли асарим эълон қилинган. Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлишим, юрагимдаги энг тоза ҳисларни уйғотиб юборди.

Орзигул ҲАМРОЕВА — Бухоро вилояти Жондор тумани 5-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси:

— Инглиз, араб тилларида эркин сўзлашаман. «Меҳр гули», «Оқ кабутар» шеърий тўпламларим эълон қилинган. Шоира Зулфияхонимнинг ҳақиқий мухлисиман. Ижодимнинг энг юқори нуқтаси бу Ватан ҳақидаги шеърлардир. Мен ҳам шоирамиз Зулфияхонимга ўхшашга интиламан:

Ҳаваслар қиламан
сиздай бўлишга,
Зулфия опажон,
ўзингиз қўлланг.
Руҳингиз шод этгум,
шеърият боғин
Сиздай яшнатишга
қизингиз йўлланг...

Зулфияхонимнинг зулфизор, қалби осмон, иқболи юксак қизларига зафарлар ёр бўлсин!

■ **Фарруҳ ҲАМРОЕВА, Аҳмадилло СОЛИЕВ**

✧✧✧

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

ИНСОН КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Даҳоларни тарбиялашнинг сермашаққатлилиги натижаси бўлса керакки, бугунги кундаги илм-фан хулосаси ва ҳисоб-китобига кўра инсоният тарихида атиги 400 га яқин киши даҳолар сифатида улуғланади, холос.

Айтиш мумкинки, киши туғилганда бугунги кун нуқтаи назаридан, табиатан берилган физиологик ҳолати, мавжуд сарҳаддаги экологик вазият, чақалоқ дунёга келган оиладаги шароит ҳамда бошқа бир қанча сабаблар инсоннинг интеллектуал ва жисмоний чиниқиш фаолиятида барчанинг бир хил ривожланишига имконият беравермайди.

Шуни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон ҳукумати бугунги кунда кишиларда интеллектуал-маънавий ва жисмоний кучларни — ресурсларни уйғун равишда ривожлантиришни таъминлашни муҳим вазифалар қаторига қўймоқда.

Негаки, интеллектуал ва жисмоний чиниққанлик ресурсларидан тўғри ва муштарак, уйғун ҳолда фойдалана билиш жамият аъзоларининг ҳар бири, шунингдек, мамлакат фуқароларининг барчаси учун саломатлик, баркамоллик ва гўзаллик манбаи бўлиб хизмат қилиши қадим тарихий тажрибалардан маълумдир.

Бу борада кишилардаги интеллектуал ва жисмоний чиниққанлик ресурсларини муштарак ривожлантиришда спортдан кенг фойдаланиш бугунги куннинг мазкур йўналишдаги асосий имкониятлардан бири эканлигига катта эътибор берилмоқда. Албатта, бу интеллектуал ва жисмоний чиниққанлик жараёнини муштарак ҳолда спорт билан ривожлантириш жараёни Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек, **техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак.** Бу ўринда **ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият – маърифатли инсоннинг икки қанотидир.** Спорт эса, ўз навбатида кишилардаги бу малакани янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг тиббиётда ва тарихда исботланган ҳам маънан, ҳам жисмонан зарурий омилидир.

Юртбошимиз эркин фуқаро, озод шахс, баркамол инсон ҳақида гапирганда унинг қуйидаги тўрт асосий жиҳатига эътиборини қаратади. Яъни Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси:

— ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган бўлсин, бунинг учун курашсин;

— ўз кучи ва имкониятларига (ресурсларига) таянадиган бўлсин, имкониятларини ишга солиб, самарасини кўрсин;

— атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билдира олсин;

— шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун ҳолда кўриб, фаолият юритсин.

Табиийки, бундай талабларга тўла жавоб бера оладиган баркамол кишиларни тарбиялаш юқоридаги шарт-шароитлар билан, яъни интеллектуал ва жисмоний чиниққанлик даражаси ва ресурсларининг мезонига боғлиқ ҳолатдир. Бу муаммони ижобий ва самарали ҳал қилишнинг асосий йўлларидан бири оммавий спортни ривожлантириш, ривожлантирганда ҳам унинг босқичма-босқич хусусиятини эътиборда тутишни талаб қилади.

Интеллектуал ва жисмоний ресурсларни бир-бирига боғлиқ, уйғунлашган ҳолда параллел ривожлантириш ва фойдаланиш ўз-ўзидан айтиш мумкинки, бу табиатдаги қазилма бойлик ресурсларидан фойдаланишдан тубдан фарқ қилади. Табиатдаги қазилма бойликлар ресурсини қазиб олиб сарфлаганда ниҳоясига етиши мумкин.

Баркамол инсонни шакллантириш жараёни интеллектуал ва жисмоний ресурсларни миллий маънавий ресурслар билан уйғунлашган ҳолда қўшиб олиб боришни талаб қилади. Бу хусусият табиий ресурслардан ҳам миқдорий, ҳам сифатий жиҳатдан уйғунлашган, баркамоллашган ҳолда даврий такрорланиши ва қайтарилиши билан фарқ қилади.

Инсондаги интеллектуал ва жисмоний ресурслардан имкон қадар кўпроқ фойдаланиш эса, худди марваридни бойитиш билан тенглаштирса, қиёсласа бўладиган жараёндир. Шунинг учун ҳам инсондаги интеллектуал ва жисмоний ресурслар шахс физиологик нуқтаи назаридан янгиланса-да, (ўлиш ва туғилиш назарда тутилмоқда) умуман инсоният нуқтаи назаридан табиат ривожи ва янгиланиши билан баб-баравар ниҳоясиздир.

Негаки, марваридни бойитиш жараёнида у шаклан улканлаша бориш билан бир вақтда кишини ўзига тортувчи жозиба кучини ҳам баркамоллаштириб боради ва натижада унинг киши маънавиятига ҳам таъсири бўлиши тайин. Демак, айтиш мумкинки, инсон баркамоллиги учун зарур бўлган уч асосий йўналишда: жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан ижобий ўзгаришлар имкониятига эга. Бу ҳолат авлодлар ўзгариши, янгиланиши билан янада ривожланиб бораверади. Инсонларнинг унга бўлган муносабати, эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда беқиёс ижобий ривожланган такрорийликка эга.

Баркамол инсоннинг шакланиши инсонлардаги интеллектуал ва жисмоний ресурсларнинг ошиш ёки аксинча камайиши жамият ва ундаги кишиларнинг маънавий салоҳият даражасининг меъёрларига боғлиқ бўлган ҳодиса ҳамдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, жамият ва кишиларда маънавий салоҳият ресурсларига бўлган эҳтиёж ҳам борлигини тўла ва асосли равишда эътироф этиш керак. Бунингсиз на жисмоний ва на интеллектуал чиниққанлик ресурсини ривожлантириб бўлмайди.

Кишининг жисмоний бақувватлиги ва ақлий-интеллектуал қобилияти қанчалик ошиб бормасин, уни миллий давлатчилик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, жамият маънавий эҳтиёжларидан келиб чиқиб комплекс ривожлантирилмаса, у баркамол инсон сифатида шакллана олмайди. Негаки, жисмоний чиниққанлик, интеллектуал қобилият ва маънавий баркамоллик комил инсон қиёфасини шакллантирувчи асосий устунлар, таркибий қисмлардир. Булардан бирортасининг қатордан тушиб қолиши комил инсонни шакллантириш тўғрисидаги мақсад ва вазифаларни амалга ошира олмайди. Соддароқ килиб айтганда улардан бирортасининг етишмаслиги баркамол инсонни тарбиялаш борасидаги ҳаракатларимизга нисбатан бирёқламаликни юзага келтириши мумкин, холос.

Маълумки, аксарият қурилмаларнинг уч оёқда тургани ёки ўрнатилгани мустаҳкам, бақувват бўлади. Худди шунингдек, мазкур уч устун: интеллект, маънавият ва жисмоний чиниққанлик ресурслари бирлашган жамиятни ҳеч қачон йиқитиб бўлмайди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, мана шу учта суянчиққа эга бўлган ёки уларни ўзида намоён эта олган инсонгина баркамол бўлиши мумкин. Улардан бирортаси етишмаса у босқинчи, бузғунчи кучга айланиши ҳам эҳтимол. Мана шу уч кучни ўзида бирлаштира ва мужассамлаштира олган жамият ўсади, улғаяди, ривожланади. Бундай хусусиятни ўзида мужассамлаштира олмаган жамият мажруҳлик комига дучор бўлади.

Интеллектуал, жисмоний ва маънавий чиниққанлик натижасида юзага келадиган, доимий янгиланадиган куч — туганмас энергиядир. Миллатнинг, авлоднинг маънавий, жисмоний, ақлий жиҳатдан уйғунлашган ҳолда чиниқиши натижасида юзага келадиган ҳодиса занжирли мубодилот (занжирли реакция) кучи сифатида ижобий портлашни келтириб чиқаради. Ва ниҳоят бу ҳодиса жамиятнинг жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан ўсишини янада тезлаштирадиган кучга айланади.

Унутмаслик керакки, аксарият ҳолларда интеллект жисмоний имкониятга нисбатан етакчилик характерига эга бўлади. Негаки, киши қанчалик соғлом бўлмасин керакли соҳа бўйича етарли интеллектга эга бўлмаса, кўзланган мақсад амалга ошавермайди. Масалан, спорт ўйинларидаги турли хил кураш турларининг сирларини эгаллашга бўлган муносабатни олиш мумкин. Халқимиз тили билан айтганда «устоз кўрмаган шогирд» нақллари фикримизнинг далилидир. Айрим ҳоллардагина аксинча бўлиши ҳам мумкин. Лекин бу жуда кам учрайдиган ҳодисалар тоифасига киради.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Юлий Цезарь, Искандар Зулқарнайн, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ўз аскарларининг ҳар бирининг юзини, шу билан бирга уларнинг исмини ва ҳатто оталарининг исмини ҳам билган.

Ривоятда ёзилишича, буюк математик, файласуф Афлотун устози билан йўлда кетаётиб тепалик яйловда ўтлаб юрган қўйлар тўдасига дуч келадилар ва Афлотундан устози тахминан сурувда қанча қўй борлигини сўрайди ва айни пайтда, тезлик билан жуда катта рақам саноғида аниқ жавоб олади. Бундан ҳайратланган устоз бундай аниқ саноққа қандай эришганлигини сўраганида у, қўйларнинг туёғини санаб чиқиб уларни тўртга бўлганлигини айтади. Мазкур ривоятдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кишининг интеллектуал ва жисмоний чиниқиш жараёни спорт ва атроф-муҳитни тўғри идрок қилиши, эшитиш, ҳид билиш, ҳис қилиш каби сезги органларининг фаолияти ва функциялари кўп жиҳатдан кўз билан аниқ кўриш қобилиятларининг уйғунлигига боғлиқ ҳодиса бўлиб ҳисобланади. Замонавий тиббий хулосаларга қараганда ҳамма аъзолари пропорционал соғлом ривожланган киши ташқи олам ҳақидаги информацияларнинг 90 фоизини кўз билан кўриш орқали олади.

Буюк тиб илмининг алломаси Ибн Сино айтганларидек, «Чанг ва ғубор бўлмаса инсон минг йил яшар эди». Жонзотларнинг ва биллъакс инсониятнинг жуда қадим ўтмишида эҳтимолки, шундай даврлар ҳам бўлгандир. Айрим паррандаларнинг минг йил яшаши ҳақида зоологлар жуда кўп гапиришади. Воқеан, мумкин юқоридаги фикримиз ҳам ҳақиқатдан йироқ эмасдир. Аммо, бугунги экологик вазиятда албатта, бу жуда қийин масала.

Шу ўринда айтиш лозимки, айни пайтда бизни масаланинг бошқа томони, яъни маънавий томони қўпроқ қизиқтиради, десак хато қилмаган бўламиз. Негаки, киши интеллектининг маънавий беғуборлигини таъминлаш, уни жисмоний чиниққанлик ресурси билан муштарак ҳолда ижтимоий тараққиётнинг ижобий ривожланиш йўлига сарфлаш ҳамда уларни янада бойитиш томон бошқариш — Ўзбекистон келажак жамиятининг тақдирига дахлдор масала сифатида ҳал қилиниши лозим бўлган бугунги кун ва даврнинг муҳим талабидир.

Хулоса қилиб айтганда, бу муаммони ижобий ҳал қилиш, юқорида таъкидлаганимиздек, спорт орқали интеллектуал ва жисмоний чиниққанлик ресурсларини уйғун-муштарак ривожлантириш имкониятларини кенгайтиришга боғлиқ. Бунинг назарий ва амалий асосларини яратиш йўлларидан бири «Жамият ва бошқарув» журналида эълон қилинган «Бунёдкор куч манбаси» мақоласининг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда инновацион дастур ишлаб чиқаришдан иборат. Шу йўлда, шу мақсадда миллати, диний эътиқоди ва маслагидан қатъи назар ҳар бир Ўзбекистон фуқароси онгида миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, уни янада бойитишга эришмоғимиз лозим.

■ **Ўрол АБИЛОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор**

САМАРҚАНДДА ЯНГИ СУЗИШ ҲАВЗАСИ

Ҳеч бир нарса спорт каби мамлакат номини дунёга тез довруқ қилолмайди. Бугунги кунда юртимизда спортни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Соғлом авлодни вояга етказиш мақсадида мамлакатимиз барча бурчакларида спорт иншоотлари қурилмоқда. Самарқанд шаҳрида бунёд этилаётган янги сузиш ҳавзаси ҳам ана шундай иншоотлардан биридир. Замонавий услубда барпо этилаётган бу муҳташам спорт мажмуи 500 томошабинга мўлжалланган. Унинг қурилишида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ва «Самарқандсувқурилиш» трестининг 3-кўчма механизациялашган колоннасининг ҳиссаси каттадир. Лойиҳалаш ишларини «Самфуқароқурилиш» институти ходимлари амалга оширмоқда.

✧✧✧

Суратда: пайвандловчи Нурали Абдуҳалимов.

■ **Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат**

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

РАИС ЖАРИМА ТЎЛАДИ

ЁКИ ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИНИ МЕНСИМАСЛИК ОҚИБАТИ

Воқеа бундай бўлганди. Ўтган йилнинг 25 июнь куни Арнасой туманидаги «Самарқанд» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасида яшовчи фуқаро Фотима Эшмирзаева хўжалик раиси ва туман ҳокимига фермер хўжалиги ташкил этиш учун 10 гектар ер майдони ажратишларини сўраб ариза билан мурожаат қилади. Туман ҳокими аризани қонуний ҳал қилиш учун хўжалик раҳбари Рустам Комбаевга йўллайди. Афсуски, раис фуқаронинг мурожаатига лоқайд муносабатда бўлди. Ҳузурига келган ариза муаллифини ҳар гал турли важ ҳамда баҳоналарни рўкач қилиб, ноумид қайтараверди. Натижада фуқаро Ф.Эшмирзаева Жиззах вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

— Аризани жойига бориб атрофлича ўрганиб чиқдик, — дейди бошқарманинг кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Абдурашид Абдураимов. — Келтирилган важлар тасдиғини топди. Хўжалик раиси Р.Комбаев айбига иқрор бўлди. Вазифасига етарлича масъулият билан ёндашмаганлигини, «Фуқароларнинг мурожаати тўғрисида»ги республика қонунини қўпол равишда бузганлигини тан олди. Ҳужжатлар тегишли тартибда расмийлаштирилиб, судга чиқарилди.

Шундан сўнг 6 февраль куни Арнасой туман жиноий ишлари бўйича судининг очиқ суд мажлисида вилоят адлия бошқармаси томонидан тақдим қилинган иш материаллари кўриб чиқилди. «Самарқанд» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Рустам Комбаев Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси 66-моддасида кўзда тутилган ҳуқуқбузарлик ҳолатларини содир этган деб топилди. Шундай қилиб, раис фермер хўжаликларини юритиш учун ер участкаларини фуқароларга узоқ муддатга ижарага бериш тартибини бузганлиги сабабли суднинг қарорига кўра энг кам иш ҳақининг етти баробари миқдорида жарима тўлади.

Раис-ку, жазоланибди. Табиий савол туғилади: ариза нима бўлди? «Самарқанд» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси аъзоларининг шу йил 24 январдаги умумий йиғилиши қарори билан фуқаро Ф. Эшмирзаевага «Музаффар» фермер хўжалигини ташкил этиш учун 12 гектар ер майдони ажратиб берилди.

Ҳақ жойида қарор топди. Лекин нима учун шунчалик сарсон-саргардонлик ва оворагарчиликлардан кейин? Ёз-ёзу, текшир-текширларсиз, ортиқча асаббузарликларсиз ҳам шу ишни қилса бўлмасмиди?

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

АКС-САДО

СУВ — АЗИЗ, ДЕЙМИЗУ...

(«Сув — ҳаёт, Сув — нажот, сув...»
2002 йил 12 февраль)

Сурхондарё оппоқ қор билан қопланган Бойсун, Ҳисор, Боботоғ тизма тоғлари этагида жойлашган. Унинг пойида Амударё ҳайқириб оқади. Бундан ташқари Шеробод, Сурхондарё, Тўпаланг, Қизилсув каби дарёлар ҳам бор. Аммо ўнлаб қишлоқлар аҳолиси тоза ичимлик суви тақчиллигидан халос бўла олгани йўқ.

Мисол учун, Бандихон туманини олайлик. Бу ерда аҳолининг 68 фоизи ичимлик суви билан тўла таъминланган. «Дўстлик», «Тошкент», «Хўжаипок», F.Ғулом номли хўжаликлардаги хонадонлар эса истеъмол сувини ҳалиям узоқдан трактор ёрдамида ташиб келишга мажбур бўлишаяпти.

Қизириқ тумани пахта тозалаш заводи атрофидаги хонадонлар водопроводлаштирилган. Аммо сув йўқ. Шеробод туманидаги бир нечта хўжаликларда эса зовур сувларидан фойдаланишяпти. Айрим туманларда аксинча сув исроф қилинмоқда.

«Сув — ҳаёт, сув — нажот, сув...» сарлавҳали мақола долзарб мавзуни кенг қамраб олишга қаратилганлиги жиҳатидан қадрлидир.

Афсуски, сув азиз деймизу баъзан унга муносабатни ўзгартириш ҳақида ўйлаб кўрмаяпмиз.

■ **Жовли ХУШБОҚОВ**

МИСРДА ЎЗБЕКИСТОН КУНИ НИШОНЛАНДИ

Қоҳирадаги нуфузли билим масканларидан бири — Ҳусни Муборак номидаги халқ кутубхонаси «Ўзбекистон куни» ўтказилиши муносабати билан ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Мамлакатимизга бағишланган ушбу тадбирда Миср Ташқи ишлар вазирлиги, илмий муассасалар, олий ўқув юртлари ва жамоатчилик вакиллари, шунингдек, ўзбекистонлик санъаткорлар ҳамда талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги элчихонаси вакиллари тадбир қатнашчиларига мамлакатимизда ўн йиллик мустақил тараққиёт даврида иқтисодий, ижтимоий, илмий-маданий ва бошқа кўлгина соҳаларда қўлга киритилган улкан муваффақиятлар, жорий йилнинг 27 январида бўлиб ўтган референдум натижалари, бугунги кунда олиб борилаётган яратувчилик ишлари ҳақида сўзлаб берди.

Мисрнинг Ўзбекистондаги элчихонаси собиқ маслаҳатчиси, айни пайтда мамлакат ташқи ишлар вазирлиги масъул ходими бўлиб ишлаётган Ҳомид Шукри Ўзбекистон — Миср муносабатлари тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалишини таъкидлар экан, ўзаро алоқалар бугунги кунда ҳам кўпгина жабҳаларда, хусусан илм-фан, маданият ва таълим соҳаларида шитоб билан ривожланиб бораётганини қайд этди.

Тадбирда мамлакатимизга келиб, бу ерда амалга оширилаётган кенг кўламли яратувчилик ишларига шахсан гувоҳ бўлган мисрлик етук олимлар — профессор ал-Сафсафий Аҳмад ва профессор Сабри Абдуллатиф ўз чиқишларида Ўзбекистонда орттирган таассуротларини ўртоқлашдилар. «Узоқ йиллар давомида мустабидлик тузуми остида яшаб келган бўлса-да ўзлигини, миллий қадр-қиммати, ажойиб урф-одат ва анъаналарини, динига садоқат ва эътиқодини шу даражада сақлаб қолган ўзбек халқига таъзим қилсанг арзийди», деди жумладан ал-Сафсафий Аҳмад. Қоҳира университети профессори Сабри Абдуллатиф буюк саркардалар — Амир Темур ва Жалолиддин Мангубердининг ибратли ҳаёт йўли ҳақида тўхталиб, улар бутун Ислом оламида чуқур из қолдиргани билан ҳам эътиборли эканини таъкидлади. У мисрлик олимларни Мовароуннаҳр тарихини чуқурроқ ўрганиш ҳамда ўзбек олимлари билан илмий ҳамкорликни янада кенгайтиришга даъват этди.

Шунингдек, «Ўзбекистон куни» тадбири доирасида мамлакатимиз ҳаётига оид китоблар, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкентдаги тарихий осори-атиқаларни акс эттирувчи фотосуратлар, миллий либос ва халқ амалий санъати буюмлари кўргазмаси намойиш этилди. Тадбир иштирокчилари бетакрор миллий куй-қўшиқларимиздан баҳраманд бўлишди.

■ «Жаҳон» АА
Қоҳира.

САЙЛОВ ТИНЧ ЎТДИ

Колумбияда сайловда қатнашган фуқароларга нисбатан исёнчилар томонидан таҳдид уюштирилганига қарамай сайловлар тинч ўтди. Бу ҳақда Колумбия мудофаа вазири Густаво Бэль маълум қилди.

Мамлакатнинг ички ишлар вазири Армандо Эстрадонинг сўзларича, сайлов тартиб-қоидалар 15 шаҳарда бузилган. Бу шаҳарларда сайлов бюллетенлари исёнчи кучлар — Колумбия инқилобчилари томонидан йўқ қилинган. Шунингдек, исёнчилар сайлов комиссиясининг 8 аъзосини ҳам ўғирлаб кетишган.

Сайлов хавфсизлигини 180 мингга яқин полициячи, ҳарбийлар ва махсус қисм вакиллари қўриқлаган.

Сўнгги маълумотларга кўра, сайловда либерал партия ғолиб келмоқда.

МУШАКБОЗЛИК ОҚИБАТИДА

Хитойда мушаклар портлаши натижасида 30 га яқин киши ҳалок бўлди.

Биринчи портлаш автобусда рўй бериб, 21 киши нобуд бўлган ва 12 киши жароҳатланган. Иккинчи портлаш эса айнан Гуандун вилоятида мушак ишлаб чиқарувчи заводда юз берган. Бу ерда эса 9 га яқин киши ҳаёт билан видолашди.

РАМАДАН РАДДИЯНИ ТАСДИҚЛАДИ

Ироқ бош вазири Таха Ясин Рамадан БМТ инспекторларининг мамлакатга киритилмаслиги ҳақидаги раддияни тасдиқлади. «Ушбу айғоқчиларнинг қайтиши борасида Ироқ позицияси асло ўзгаргани йўқ, чунки уларнинг Ироққа киритилишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди», дейди бу хусусда Рамадан.

Бундан олдин БМТ ва Ироқнинг узилган алоқаларини тиклаш борасида илк ҳаракатлар бўлиб ўтганди. БМТ вакиллари Ироқда қуролсизланиш борасида назорат ўтказишлари лозим эди.

ШАРОН АРАФОТНИ ОЗОД ЭТИШИ МУМКИН

Исроил бош вазири Ариэл Шарон Фаластин етакчиси Ёсир Арафотни қамалдан озод этишга ваъда берди. Маълумки, Арафот Исроил ҳарбийлари томонидан Рамаллоҳ шаҳрида қамалда ушлаб турилганди.

Шарон ўз баёнотини Ёсир Арафот Исроил томонидан қўйилган шартномаларни бажаргани билан изоҳлаган. Шунингдек, у бу мавзу, аввало вазирлар маҳкамасида муҳокамага қўйилишини ҳам таъкидлаб ўтган.

Фаластинликлар эса Арафот Рамаллоҳни фақат Фаластин мухториятига кириш кафолатини олганидан сўнггина тарк этишини айтишди.

АҚШ. ЧИКАГО ШАҲРИ КЎРИНИШИ

ЯРАТУВЧИЛИК НАМОЁН БЎЛДИ

Андижон вилоят товар ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорлар палатасида анъанавий «Ташаббус — 2002» кўрик-танлови ўтказилди. Тадбиркору ҳунарманд, фермеру чеварлар кўригида яратувчилик меҳнати намоён бўлди.

«Энг яхши ҳунарманд» йўналиши бўйича шаҳрихонлик кандакор уста Р.Алихўжаев, «Энг яхши фермер» Қўрғонтепа туманидаги «Оқсув» фермер хўжалиги раҳбари А.Аҳмедов, «Энг яхши тадбиркор» номи эса Андижон туманидаги ««АУДТ» уруғчилик савдо ишлаб чиқариш фермаси раҳбари Қ.Каримовга берилиб, кўрик-танлов ғолиби бўлишди. Уларга Андижон вилояти ҳокимининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Ғолиблар энди республика танловида қатнашадилар.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Болаларимиз ўқиб-ўрганиши, давлатимиз қудрати ошиши сизу бизнинг бурчимизни бажаришимизга, яъни солиқларни муддатида тўлашимизга ҳам боғлиқ. Афсуски, баъзан корхонанинг 100 сўмлик даромадидан 24 сўмни яшириб қонунни бузишади. Гап шундаки, Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти органлари томонидан давлат рўйхатидан ўтмасдан но-

24 СЎМ ТЎЛАГАН АФЗАЛМИ

ЁКИ СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ ОЛДИДА ЖАВОБГАРЛИК?

қонуний ароқ-вино, пахта ёғи ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарган 241 та яширин корхона фош этилди. Солиққа оид 1307 та жиноий ишлар қўзғатилган. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар таҳлили шуни кўрсатяптики, кўпинча товар айланмалари-ю кўрсатилган хизматларни бухгалтерия ҳисоботларида кўрсатмаслик, нотўғри ҳисобот бериш ҳолатлари учраяпти. Бир мисол. Тошкент шаҳридаги «RUST BRIG» хусусий фирмаси «Ўзмевасабзавотузумсаноат холдинг» компаниясининг савдо омборларидан тўрт ой ичида 432 миллион сўмликдан зиёд спиртли маҳсулотлар олган. Ана шуларни сотишдан тушган маблағнинг атиги 2 миллион 224 минг сўми фирманинг ҳисоб рақамига инкассация қилинган, холос. Фирма товар айланмаси 430 миллион сўм бўлса-да, «тадбиркорлар» ҳисоботда бу суммани қарийб икки ҳисса кам кўрсатиб, яширган. Ушбу ҳолат юзасидан фирма раҳбари Р.Ҳамидовга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Давлатни ҳам, ўзини ҳам алдаган бундай шахслар қонун олдида жавоб берадилар. Солиқлар тўламасдан даромадни яширишнинг охири вой. Чунки, ҳужжатлар ҳар қандай қинғирликни фош қилади. Шуни унутмаслик керак.

■ **Равшан ШОДИЕВ,**
Азаматхон ЭРГАШЕВ

ШОШИЛИНГ!!!

«ЎзДЭУавто» компанияси

ОМАД ВА ҚУВОНЧ КЕЛТИРУВЧИ ЮТУҚ —
битта автомобиль пулига
ИККИТА АВТОМОБИЛНИНГ
бахтли соҳиби бўлишга имкон яратади!

7 мартдан бошлаб ўйинда иштирок этадиган 2500 автомобиль сотила бошлади!
Шошилинг!
Имкониятингизни бой берманг!

Компаниянинг дилерлик корхоналари сизларни кутмоқда!

Ўйин Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилади.

Матбуотдан хабардор бўлиб туринг: автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади.

Телевидениеда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исми ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока» ва «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» газеталарида чоп этилади!

Барча саволлар бўйича компаниянинг расмий дилерларига мурожаат қилинг.

ЎЙИН ШАРТЛАРИ:

- 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль ўйинда иштирок этади;
- автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларида сотиб олинган бўлиши шарт;
- ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;
- ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.

МАЪЛУМОТ УЧУН КОМПАНИЯНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ТЕЛЕФОНЛАРИ: 67-97-74, 67-33-65

МУНОСАБАТ

ЁРУҒЛИК НИМАДИР, ЁРТИЛИК НАДИР?

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ШУ ЙИЛ 7 ФЕВРАЛЬ СОНИДА «КИТОБ ЎҚИЙСИЗМИ, ЗАМОНДОШ?» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛА ЧОП ЭТИЛГАН ЭДИ. УНДА БАЁН ЭТИЛГАН МУЛОҲАЗАЛАР КЎПЧИЛИКНИНГ ЭЪТИБОРИНИ ЎЗИГА ТОРТДИ. ТАҲРИРИЯТГА КЕЛАЁТГАН ХАТЛАРДАГИ ШУ МАВЗУГА ОИД ФИКРЛАР БУНИНГ ДАЛИЛИДИР. ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ТЎРА СУЛАЙМОН ҲАМ МАҚОЛАГА ЎЗ МУНОСАБАТИНИ БИЛДИРИБ, ҚУЙИДАГИ ҲАЁТИЙ КУЗАТУВЛАРИНИ ЙЎЛЛАБДИ.

Илм ўрганишни ота-боболаримиз игна билан қудуқ қазишга менгзаганлар. Демак, кимки қийнала-қийнала қудуқ қазибди — кексайганда роҳатини кўргай. Кимки ёшлигида ҳою-ҳавасларга берилиб алифни калтакдан фарқ қилмабди — қартайганда хорликка дучор бўлгай. Авлод-аждодларимиз китоб эмас ҳатто қоғоз ортилган кўлик-карвон устига ўтиришни, ҳикмат сўзлари битилган китоб-қоғозларни ножоиз жойларга, оёқ остларига ташлашни гуноҳи азим деб билганлар. Китобни нон билан тенг кўрганлар. Ҳақлигини исбот қилиш учун китобни ўртага қўйиб қасам ичганлар. Ёши улуғ кишилар мактаб ва мадраса кўрган ўғли тенги кишиларга иқтидо қилганлар. Ўқиган ўғилни отадан улуғ деб билганлар.

Энди қуруқ аравани олиб қочмасдан, фалсафа сўқмасдан муддаога ўтиб кўя қолсам. Ҳойнаҳой, мен кўрган оқ йўлли ва қаро йўлли, мен кўрган ва мен кузатган бахтли ва бахтсиз икки қариянинг икки хил қисматини сиз ҳам кўргандирсиз. Демак, гап саводли китобхон ва китобни кўрса кўнгли айнийдиган кишилар ҳақида.

Қулаҳмад ака сўл кўшнимиз, Эрали ака ўнг кўшнимиз. Қулаҳмад ака эсини танигани-дан бери бола-чақаларигача савдо-сотиқ билан шуғулланиб келди. Эрали ака эса муаллим. Ўғил-қизларининг ҳаммаси олий маълумотли. Набираларининг ҳам қўлларидан китоб тушмайди. Аслида бу «касаллик» набираларга Эрали аканинг ўзидан юққан. Умуман оилада китобхонлик, қироатхонлик одат тусига кирган. Бу деган сўз — бутун оила аъзолари китоб ўқишар экан, газета-журналларни кўздан кечиришар экан, деган гап эмас.

Бу оила аҳли ўқишнинг чироғини ёндирадилар, ишнинг ҳам.

Қулаҳмад ака оиласининг об-ҳавоси эса тамоми ўзгача. Бугун ким қанча савдо қилди? Кирим қанча? Чиқим қалай? Бу оилада кимнинг қимлиги бир кунда қанча пул топгани билан ўлчанади. Китоб ўқишга ҳам, дунёда нима гаплар бўлаётганидан бир қадар бохабар бўлиш учун газета-журналларни бир кўздан кечириб чиқишга ҳам вақтлари йўқ. Кўша-кўша «иномарка» машиналар. Болохонали уйлар. Сауналар. «Минг бир кеча» китобида таърифланган меҳмонхоналар. Одамига қараб кутиб олишлар. Одамига қараб меҳмон қилишлар.

Эрали аканинг оиласини четдан кузатган киши чумолилар ҳаётини кўз ўнгига келтиради. Ҳамманинг ўз қилар иши бор. Ҳаммалари — ёшу кексаси ўз ишлари билан банд. Бирлари ер чопсалар, бирлари молга қарайдилар. Бирлари сув олиб келсалар, бирлари ошхона ишлари билан банд. Меҳмон келса кўярга жой тополмайдилар. Келган меҳмон «отлиқ»ми, пиёдами. Бунинг улар учун фарқи йўқ.

Меҳмон — отайи худо, деган гап — гап. Қулаҳмад ака ҳам, ўғил-қизлари ҳам келган меҳмоннинг қаерда ишлашига, фойдаси тегиш-тегмаслигига қараб кутиб оладилар. Сал юқа-йўқсилроқ қариндошуруғлари озиб-ёзиб келиб қолгудай бўлсалар кўримсизгина бир хонага бошлайлар. Муомала ҳам тил учида. Йўқ, агар савдо инспекциясими, коррупциями деган жойлардан киши келар бўлса атрофида парвона. Шоҳона меҳмонхонанинг тўри, зиёфатнинг зўри, дегандай...

Эрали аканинг бир ўғли Гулистон давлат университетининг профессори. Бир келини академик лицей директорининг илмий ишлар бўйича муовини. Тарих фанлари номзоди. Кенжа қизи Ўзбекистон Миллий университетининг сўнгги курс талабаси. Набираларининг ҳаммаси мактабнинг олди ўқувчилари. Ахлоқодобда ҳам.

Ўртанча ўғли вилоят шифохонасининг обрўли жарроҳларидан. Бу оилада гап фақат шу йўсинда кечади:

— Дада, бугун математикадан «беш» олдим.

— Раҳмат, менинг оппоқ қизим, эна қизим, момо қизим.

— Абдулҳамид, сен менга Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темир жангнома»сини топиб бер. Университетнинг кутубхонасида бўлиши керак.

— Хўп, бўлади.

— Ҳаббаш, ўғлим.

— Кейинги йил ҳажга тайёрлик кўринг...

— Раҳмат ўғлим, илтифотингиз учун. Бироқ мен ҳажга бора олмайман.

— Нега?

— Қишлоғимизда дастёрсиз қариялар, есир аёллар, етимлар йўқ эмас. Буни биласиз. Ҳажга сарфлар ақчамни шуларга улашиб берсам — шунинг ўзи ҳаж. Ҳажга бормай туриб ҳажнинг савобини шу ердан топсамми дейман-да.

Эрали аканинг кенжа келини оилавий кутубхоналарининг норасмий мудири. Газета-журналлар тахлами алоҳида. Дарслик китоблари алоҳида. Бадиий адабиётлар бўлими алоҳида. Бирор китоб ё журналларини олишга олиб қайтармагудай бўлсангиз борми «ота гўри қозихона» юришингизни ўйлаб кўргайсиз...

Қулаҳмад аканинг тўшак тортиб ётиб қолганига тўрт йил бўлиб боради. Арабий китобларга тиши ўтмай, лотинча ҳарфни ҳарфга ўрушириб эплаб-теплаб ўқир эдилар. Айниқса қиш оқшомлари. Қани энди китобларни ўқишни билса-ю кунни кеч қилса, тонгни оттирса. Зерикади. Сиқилади. Буни ўзлари ҳам тан оладилар:

— Чўт қоқиб, пул санашни, бармоқ билан қўл қўйишни билибману ўқишга келганда, китоб мутолаасига келганда... Кўр деб бизни айтар эканлар энди билсам. Ҳай, аттанг...

Энди менга савол беришингиз мумкин. Қулаҳмад ака билан Эрали ака қўшнингиз бўлар экан. Бу ёзганларингиз газета-пазетада чиққудай бўлса... Сабабини юқорида айтиб ўтдим. Қулаҳмад ака ўзининг кусурини ўзи тан олиб, ўзидан ўзи хафа. Бу ҳам — мардликнинг бир белгиси. Ва яна мен у кишиларни эгри қўлликда айблаётганим йўқ. Бор-йўғи касби-корлари ҳақида гап сўқдим. Аррани тўғри тортдим. Шахсиятларига, нафсониятларига тегадиган гап айтмадим. Фақат бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил, деган нақлни, ҳамда Ёруғлик надир, ёртилик не, деган ҳикматни эслатмоқчи бўлдим...

■ Тўра СУЛАЙМОН

СПОРТ

АССАЛОМ, ФУТБОЛ БАҲОРИ!

Одатда, юртимизда футбол мавсуми ҳар йилнинг 18 мартида бошланарди. Ҳатто, шу кун мамлакатимизда футбол куни деб ҳам эълон қилинган эди. Олий лига жамоалари тақвим бўйича XI миллий чемпионат учрашувларида сал эртароқ, яъни 16 март куни яшил майдонга чиқадилар.

Маълумки, Осиё чемпионлари кубоги баҳсларида муваффақиятли тўп сураётган «Насаф»(Қарши) футболчилари 5-7 апрель кунлари ушбу нуфузли мусобақанинг ярим финал босқич учрашувларини ўтказишади. ЎФФ тақвимига кўра, қаршиликлар 30 март куни миллий чемпионатнинг учинчи турида Бекободнинг «Металлург» жамоаси билан ўзаро баҳс юритиши лозим эди. «Насаф» футболчиларининг бу вақтда халқаро учрашувларни ўтказиш учун Техрон(Эрон)га жўнаб кетишлари ҳисобга олинган ҳолда ЎФФ мазкур ўйинни олдинроққа кўчирди. Яъни, 10 март куни Қаршида учинчи турнинг кўчирилган «Насаф»—«Металлург» учрашуви бўлиб ўтди.

Ўйин кутилганидан-да қизиқарли ва шиддатли кечди. Ҳужумкорлик руҳида ўтган баҳсда «Металлург» жамоасини кўпчилик бу йил қучлилар қаторидан жой олади, деб бежизга башорат қилишмаётганлиги ўз исботини топди. Бекободликлар Осиёнинг кучли клубларидан бири саналаётган «Насаф» жамоасига муносиб рақиб эканликларини намойиш этишди. Фақат меҳмонлар учрашув тугашига беш дақиқа қолганида ўз дарвозаларидан икки дақиқа ичида икки тўп ўтказиб юборишиб, имкониятни бой берди. «Насаф» жамоасидан тўпларни Баҳром Ҳайдаров ҳамда Баҳодир Аннаматовлар киритдилар.

Худди шу куни Ўзбекистон кубоги баҳсларининг кечиктирилган 1/8 финал учрашуви бўлиб ўтди. Бу ўйинда пойтахт вилоятининг «Дўстлик» ҳамда Тошкентнинг «Пахтакор» жамоалари майдонга чиқишди. Учрашувда тўлиқ ташаббусни қўлга олган пахтакорчилар мезбонларни 3:1 ҳисобида доғда қолдиришди. Мазкур жамоалар ўртасидаги жавоб учрашуви 27 март куни бўлиб ўтади.

■ Эркин ХОЛБОБО

«ОЛМАЛИҚ НОН»

ҳиссадорлик жамияти акциядорлари диққатига!

Кузатув кенгаши 2002 йил 10 апрель куни соат 14.00 да Олмалиқ шаҳар, 6-5 даҳаси «Олмалиқ нон» ҲЖ маъмурий биносида «Олмалиқ нон» ҲЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик мажлиси ўтказилишини маълум қилади.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш соат 13.00 дан бошланади. Рўйхатдан ўтиш чоғида акциядорларнинг паспорти, шахс вакили эканлигини тасдиқловчи далолатнома кўрсатилиши лозим.

КУН ТАРТИБИ:

1. 2001 йил фаолият якунлари бўйича жамият йиллик ҳисоботи, бухгалтерлик баланси, фойда ва зарар ҳисоби, фойдани тақсимлашни тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2001 йилги фаолияти тўғрисида тафтиш ҳайъати хулосасини тасдиқлаш.
3. 2001 йил учун молия ҳисоботининг ҳақиқийлиги тўғрисида аудитор хулосасини тасдиқлаш.
4. 2001 йил учун дивидендлар миқдорини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2002 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.

Навбатдан ташқари мажлисга тайёргарлик кўриш чоғида акциядорларга тақдим этиладиган маълумотлар билан 2002 йил 4 апрелда жамият бошқарувида танишиш мумкин.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 63-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ЖАДВАЛИ

1 ТУР	4148548.2	2038617.3	9145003.1	5057042.3	9052804.1	3009898.3	5236884.3	8075127.1	1260812.1	3257793.2	5221972.3	7188340.3	9139816.2	1265796.3	2300299.3	4055411.3	5146124.2	6145878.1	7252049.2	9017196.3
1278075.1	4292599.2	2053253.3	9153159.2	5059323.3	9057739.3	3011609.3	5248296.1	8080869.2	1264982.2	3257832.2	5224420.2	7196590.2	9143486.1	1266348.2	2301407.1	4059310.1	5147490.3	6150039.1	7254024.2	9035642.3
2177463.1	5089987.3	2053789.1	9178614.2	5060753.1	9067230.2	3013188.2	5248967.1	8083188.2	1271792.3	3258069.1	5225397.3	7202867.1	9150723.2	1266528.2	2302397.3	4059339.2	5148491.2	6156493.1	7257127.3	9037359.2
3070138.3	5108469.1	2081804.1	9210439.1	5071546.2	9068603.2	3019648.2	5256801.1	8088346.3	1271945.3	3259260.1	5226988.2	7206222.3	9154974.3	1266736.3	2303291.1	4060997.2	5154600.1	6165511.1	7258493.2	9037722.2
9045771.2	5153450.2	2118218.2	9243428.1	5076913.3	9075613.2	3021967.2	5262215.3	8089686.3	1273552.2	3266910.3	5231235.1	7210627.3	9173451.1	1266976.1	2303330.2	4061416.1	5157528.3	6166415.2	7261385.1	9041500.3
Сумма	5168971.3	2123884.3	9265720.3	5094379.1	9099332.3	3029036.2	5279255.3	8090017.1	1275631.3	3270838.1	5232232.3	7212931.3	9175213.1	1269338.2	2305040.3	4061798.2	5158628.1	6169297.2	7262522.1	9042661.2
75000 сўм	5173459.3	2132871.1	9273863.1	5105818.3	9113727.1	3031016.2	5279592.3	8095843.2	1280281.1	3272188.1	5232271.1	7215188.3	9187803.3	1275576.1	3001007.2	4065146.1	5159257.2	6171282.2	7264999.3	9047437.1
2 ТУР	5202049.3	2178680.3	9293314.1	5109644.2	9125486.1	3031565.2	5280960.2	8099033.1	1282305.2	3273713.2	5234031.3	7215796.1	9193016.1	1278023.3	3001734.2	4077758.1	5163944.1	6176915.1	7265259.3	9051282.1
5004644.1	6049095.3	2206508.3	9294472.3	5110685.1	9126465.1	3034058.2	5281136.2	8104155.2	1290952.3	3277230.3	5240140.3	7216030.1	9193607.1	1278626.1	3004802.2	4079893.1	5165039.1	6179149.1	7277052.1	9052431.2
Телевизор	6088020.3	2210438.2	9294915.3	5120007.3	9138885.1	3040891.2	5285667.3	8105388.2	1292323.1	3279897.3	5245069.2	7224163.2	9196439.3	1278683.3	3007110.1	4081678.3	5171699.3	6186251.1	7277581.3	9061484.1
3 ТУР	6100460.1	2213248.1	9300447.1	5122795.3	9141290.3	3046309.3	5289598.3	8111992.3	1305499.1	3285181.1	5248391.2	7230097.3	9198770.3	1293231.2	3010484.1	4081693.2	5172449.1	6187109.2	7278187.2	9068938.1
6116133.2	6161911.1	2214620.3	Сумма	5123491.1	9150981.2	3047477.1	5292368.2	8117842.3	2006049.1	3305074.2	5255811.1	7231617.3	9200312.1	1300435.1	3013281.3	4088358.1	5176695.1	6191658.2	7282708.1	9067135.1
«НЕХІА»	6275455.3	2225244.2	1000 сўм	5164621.1	9183973.3	3049540.3	5296248.1	8135921.2	2006943.1	4002904.3	5259209.2	7237441.1	9203009.3	1301223.3	3019808.3	4090826.3	5178048.3	6198199.1	7282741.3	9067951.3
автомо-	7004726.3	2227035.3	17 ТУР	5186473.1	9185667.3	3051598.2	5297259.1	8137396.3	2010818.3	4003675.3	5260437.2	7247847.1	9205454.2	2000042.3	3026916.1	4095629.1	5178062.1	6201784.3	7284205.2	9069692.3
били	7056799.1	2281426.2	1020622.1	5222751.1	9198592.2	3054998.1	6003149.2	8141275.1	2012001.3	4005478.1	5263849.3	7247994.3	9206590.3	2000515.2	3028321.3	4107500.3	5182189.3	6203649.2	7286254.2	9071404.3
4 ТУР	7074852.2	2293734.3	1037107.1	5224925.1	9252130.3	3070193.3	6003214.2	8151817.3	2013124.2	4007494.3	5264277.3	7256224.1	9211275.2	2000757.3	3038129.2	4113041.2	5184619.2	6208416.3	7288657.2	9077846.3
4082649.1	7126011.2	2301673.3	1041956.3	5226889.3	9255313.3	3072065.2	6015635.3	8173030.2	2019286.3	4007625.1	5271451.2	7262628.1	9216669.3	2001499.2	3044839.2	4114515.1	5190194.1	6210069.3	7294885.3	9079681.3
«НЕХІА»	7162456.3	3010759.2	1057648.2	5249249.3	9270591.2	3074317.3	6018302.3	8174664.1	2020906.1	4030095.2	5275791.1	7262712.1	9222881.3	2002941.2	3045734.3	4116238.2	5194187.2	6216517.2	8003839.2	9081935.3
автомо-	7271263.1	3017188.1	1092043.2	5263647.1	9276476.3	3087880.3	6032423.1	8175610.3	2021241.3	4039364.1	5282684.2	7271069.2	9225281.2	2006753.1	3048675.2	4118110.3	5201287.3	6219518.2	8004770.2	9088046.1
били	7277362.2	3058486.3	1098509.1	5276431.1	9290524.1	3107661.1	6035892.2	8175997.3	2029963.3	4041303.3	5285449.3	7276429.3	9226582.3	2008676.2	3054000.2	4118807.1	5201551.3	6224242.3	8005715.2	9089736.2
5 ТУР	7301982.3	3102496.2	1110678.1	5279026.2	9298888.3	3110697.2	6038424.2	8176173.1	2032474.2	4044143.1	5285810.3	7277484.3	9228691.1	2010030.1	3055381.1	4119639.1	5205432.2	6227154.3	8013080.1	9093459.2
5137294.3	8068284.1	3116451.2	1143819.2	5302639.2	9298954.2	3115958.3	6040404.2	8181158.3	2046567.3	4048724.3	5289177.1	7279909.2	9229358.2	2010186.1	3055870.2	4120382.1	5205607.2	6228146.1	8015309.1	9101014.2
5292963.3	8163649.2	3119584.2	1162266.3	5302904.3	9299064.2	3118530.2	6045271.1	8193577.3	2061455.3	4050616.3	5290256.3	7280564.2	9230405.3	2018200.2	3059938.3	4123112.1	5206764.3	6229776.1	8018132.2	9102642.2
4Х5	8183790.1	3121591.3	1163547.2	6001607.3	Сумма	3120020.2	6049951.3	8197616.2	2061592.3	4056921.1	5294614.3	7281543.1	9235301.2	2020676.2	3061007.1	4125656.3	5207331.1	6232820.3	8019068.2	9105364.3
ҳажмдаги	8272684.1	3133256.3	1165336.2	6012737.3	900 сўм	3122889.2	6055908.3	8213312.3	2062691.1	4058535.1	5296017.1	7288995.1	9238783.3	2024548.1	3061769.3	4132503.3	5208068.1	6234133.1	8021041.3	9127455.2
гилам	9001845.1	3150757.1	1165727.2	6013796.1	18 ТУР	3123997.1	6057151.1	8216213.2	2063152.3	4060983.2	5296044.1	7289553.2	9260028.1	2024768.1	3061911.3	4133577.1	5209702.2	6237704.3	8026260.2	9129463.3
6 ТУР	9017579.3	3163995.2	1196304.2	6031907.2	1000419.3	3134112.2	6057676.3	8220995.3	2063590.1	4063879.2	5296673.1	7294506.2	9262731.3	2028376.3	3063131.2	4133885.2	5214845.3	6241371.1	8029811.3	9129976.2
7412758.2	9021591.1	3172470.3	1202905.1	6033959.3	1002455.3	3134470.2	6070016.2	8223936.2	2071173.3	4067427.2	5297729.2	7302938.3	9265374.3	2028508.1	3064219.3	4139840.1	5215538.1	6247801.3	8031037.2	9131606.1
8157892.1	9212730.1	3187559.1	1220697.2	6036669.1	1004585.2	3139628.3	6070163.2	8224048.2	2076611.2	4068027.3	5303231.2	8001753.3	9280940.2	2031303.3	3066873.1	4140470.1	5218323.3	6249361.3	8032186.3	9136120.1
4Х5	9240612.2	3191528.3	1221067.1	6037084.3	1006390.2	3153446.2	6070689.2	8240143.3	2080519.2	4071052.1	6000520.1	8003326.1	9282714.2	2032616.2	3067153.2	4141047.1	5218866.2	6255126.1	8037216.3	9136611.1
ҳажмдаги	Сумма	3198665.2	1223926.3	6037544.3	1006934.1	3154045.2	6079958.3	8241299.2	2084189.1	4072707.1	6005319.1	8003853.2	9284675.3	2034064.1	3067396.3	4142406.1	5221118.3	6259409.1	8037881.2	9138925.2
гилам	1200 сўм	3201045.2	1244542.3	6050415.2	1008352.3	3165036.2	6084494.3	8244960.1	2090588.2	4076225.2	6017359.1	8007192.2	9288227.3	2035119.3	3068431.2	4144676.1	5221352.1	6265041.2	8038298.2	9142776.3
7 ТУР	15 ТУР	3209157.3	1252434.2	6111283.2	1009446.3	3166539.2	6086828.3	8262137.3	2094109.2	4076776.2	6021675.3	8010490.1	9301286.3	2041723.1	3068847.3	4145926.1	5221725.2	6266446.3	8038655.3	9143291.1
2044296.3	1005835.1	3211750.2	1259107.2	6115018.3	1009655.3	3175745.2	6090374.3	8270547.1	2096554.2	4076900.3	6024746.2	8014237.2	9302480.2	2043664.2	3071570.3	4150678.1	5224328.3	6270553.1	8042175.1	9146168.3
9271246.1	1023884.3	3223148.3	1267412.1	6116330.2	1022840.1	3202494.1	6090726.2	8276728.3	2100852.1	4083565.1	6034026.3	8018252.3	Сумма	2047472.3	3071584.1	4153004.1	5227448.3	6271165.1	8045850.1	9146568.3
4Х5	1100363.2	3226464.3	1276065.3	6118060.1	1022993.2	3211457.1	6090834.1	8281332.3	2105747.1	4084802.2	6039748.2	8021335.1	700 сўм	2047973.3	3072659.1	4153531.3	5229989.2	6271511.2	8046050.1	9146906.2
ҳажмдаги	1117752.1	3238537.1	1285092.1	6122243.3	1026373.3	3219684.1	6093091.2	8290085.3	2109563.1	4087004.3	6042535.3	8022378.2	20 ТУР	2048376.2	3073594.2	4154695.3	5230353.1	6273046.2	8046609.2	9150176.2
гилам	1147390.1	3252424.3	1286639.3	6140832.3	1029356.1	3225867.3	6104860.3	8295171.3	2110976.3	4087857.3	6048799.1	8026222.3	1001108.3	2048920.1	3075194.3	4157824.2	5231310.3	6273197.3	8048157.2	9151750.3
8 ТУР	1162097.3	3271673.2	2000217.1	6149873.3	1029908.2	3226386.2	6111489.3	8303359.1	2116464.2	4090368.3	6050191.2	8031220.2	1003708.3	2050754.2	3084916.1	4159258.3	5232918.3	6273659.2	8050308.1	9152022.3
2002514.3	1193480.3	3302900.3	2006697.2	6151026.1	1045304.3	3227207.3	6119933.3	9000516.1	2119861.3	4094462.3	6050284.3	8041330.1	1006757.1	2052080.2	3086715.3	4162015.3	5234331.1	6275319.1	8053214.1	9153728.2
4192817.2	1231694.3	4004213.1	2010053.3	6151221.2	1048972.2	3228440.3	6123856.3	9004148.1	2126649.2	4100614.1	6062166.2	8043122.3	1007575.3	2056554.3	3103735.3	4164658.3	5238906.1	6276296.1	8053603.1	9155830.1
8224011.3	1264638.2	4007248.2	2023379.3	6154684.3	1050413.3	3232164.1	6128243.3	9007305.1	2126715.3	4101923.2	6062829.3	8047107.1	1009307.1	2056581.2	3108581.2	4166330.2	5242002.3	6278578.2	8053692.2	9156784.2
Телевизор	1273766.3	4015066.1	2040361.2	6163483.3	1051663.3	3245493.3	6128659.2	9018110.3	2131174.2	4101949.3	6066722.1	8049987.3	1010213.3	2060092.1	3114512.1	4168312.1	5243331.1	6279539.1	8055180.2	9159253.2
9 ТУР	2087669.3	4022988.1	2047264.1	6163849.3	1058567.2	3253981.1	6143201.2	9018739.2	2131756.1	4103171.3	6067434.2	8051100.2	1013155.3	2060800.3	3116159.3	4171288.3	5244889.2	6297594.3	8056260.2	9159275.2
2111427.3	2089776.1	4031167.2	2051307.2	6163863.1	1059856.1	3259846.1	6152782.3	9021887.1	2133953.2	4104257.1	6076101.3	8051413.3	1014464.2	2060812.2	3117629.1	4172678.1	5245234.3	6298361.1	8056670.1	9165996.1
6023335.2	2117856.3	4075391.3	2056404.3	6168476.1	1063030.3	3268793.1	6162332.1	9031798.1	2144648.3	4105065.3	6078207.3	8055063.2	1019221.3	2062906.3	3123615.3	4180675.2	5246648.3	6300608.2	8056670.1	9168499.3
6247419.2	2127491.2	4095133.3	2065163.3	6177656.3	1074725.2	3275847.2	6165337.1	9035497.1	2146614.3	4110221.1	6080108.3	8058872.2	1020981.3	2068297.2	3126885.3	4183090.3	5248180.1	7001281.2	8061081.3	9169154.3
7263953.2	2140301.1	4095898.3	2084976.2	6185343.2	1083269.2	3276285.2	6169037.3	9044211.3	2154846.2	4128792.2	6083471.1	8062146.1	1024870.3	2073068.2	3133627.3	4183521.1	5248377.1	7001986.3	8065241.3	9171531.3
9206815.1	2143383.2	4114799.1	2107518.3	6194623.2	1084027.1	3277776.3	6172036.1	9071719.3	2157959.3	4133095.2	6085985.1	8062465.2	1028950.2	2078286.2	3134555.1	4185062.3	5249567.1	7004766.2	8067574.1	9171750.3
Телевизор	2210466.2	4122671.2	2115578.3	6210903.1	1095930.1	3281817.3	6176281.2	9073906.1	2159312.3	4133302.3	6097559.3	8065392.3	1033303.1	2078897.1	3137786.3	4189043.2	5255457.2	7005374.2	8072546.3	9171716.3
10 ТУР	2300114.1	4137734.2	2129040.1	6214270.2	1099295.3	3292206.3	6179858.1	9082704.3	2160895.1	4134130.3	6105854.1	8065763.3	1033873.3	2080428.3	3139290.1	4191227.2	5255554.3	7011053.2	8074017.3	9179446.1
9102064.2	2300258.2	4150306.2	2139257.2	6219017.2	1099605.3	3296574.2	6184100.1	9101200.1	2169214.3	4135876.3	6108813.1	8074775.1	1048100.2	2085246.2	3139821.3	4191692.2	5260927.3	7012816.3	8074107.2	9182844.2
9120235.3	3003926.3	4161802.3	2142489.1	6233961.1	1100484.2	4001989.3	6184988.3	9128329.2	2169304.3	4139419.1	6109318.3	8075241.3	1049897.1	2088060.2	3140091.2	4193435.1	5263729.1	7013188.2	8074520.3	9184744.1
9182211.3	3040740.2	4166303.1	2144219.2	6237730.2	1105286.2	4003824.1	6188667.1	9129378.2	2169698.3	4143812.1	6109863.1	8076712.2	1058141.2	2088200.2	3141496.1	4194073.3	5266833.3	7014871.3	8077531.3	9186362.2
Телевизор	3059561.1	4168863.1	2168962.2	6267523.3	1105559.3	4011110.2	6190938.3	9131132.1	2171304.3	4146562.1	6113716.1	8078737.2	1059191.2	2093393.1	3142254.3	4195417.3	5268524.1	7020306.3	8078074.1	9186984.2
11 ТУР	3061065.1	4195798.1	2213934.3	6269420.3	1111825.3	4013622.2	6194722.1	9142370.2	2173297.2	4156264.1	6115058.1	8083288.3	1062693.1	2093783.3	3145353.3	4201077.1	5269993.2	7023271.3	8078835.3	9190038.1
1145958.2	3063106.3	4215141.1	2214112.3	6279034.2	1113195.3	4023261.2	6195411.2	9156780.1	2177023.1	4157193.1	6115153.3	8083553.3	1070927.1	2095927.1	3153769.1	4205982.3	5271156.3	7026443.2	8081828.1	9196132.2
1250959.2	3075643.1	4221489.1	2218690.2	6284079.2	1114883.3	4037339.1	6199818.1	9157018.1	2181243.3	4164532.2	6115328.2	8084314.3	1071312.2	2099466.3	3153974.2	4214903.1	5273466.3	7028994.1	8085146.2	9199117.3
2010847.3	3086898.1	4232896.1	2222298.2	6285388.3	1121589.1	4046735.1	6206242.3	9157046.1	2189956.2	4168322.1	6116247.1	8086180.1	1074710.3	2100286.1	3156533.2	4216814.2	5276343.3	7030605.1	8086268.1	9201755.3
2059857.2	3095167.2	4245012.3	2228223.1	6295855.2	1122068.3	4050347.3	6213649.1	9177694.1	2194077.1	4169468.2	6118890.1	8090210.3	1077910.2	2103117.2	3156913.2	4219524.2	5280454.3	7031230.2	8092751.3	9201983.3
3247663.1	3116651.2	5001812.2	2228595.1	6297908.3	1123485.2	4064060.2	6245303.1	9181879.2	2196274.3	4171112.1	6125044.1	8096163.3	1078023.2	2103906.2	3157214.1	4224971.2	5283203.1	7032137.3	8100699.2	9217123.1
4134006.3	3128478.3	5023742.2	2241940.2	7002772.3	1126895.3	4070524.2	6248977.2	9200608.2	2199406.2	4173363.3	6126096.3	8098747.3	1078206.2	2107000.3	3162481.1	4225130.2	5285027.3	7032744.2	8101432.1	9219396.1
5263561.3	3192302.3